БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 126 (16.816). | 2 июнь 1977 йил, пайшанба | Баҳоси 2 тийин.

«КОСМОС-914» ПАРВОЗДА

1977 йил 31 май куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-914» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

ҚИШЛОҚ КАДРЛАРИГА — ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

РОСТОВ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ КАДРЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНГАН БУТУНИТТИФОҚ СЕМИНАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Сизлар қишлоқ хўжалик кадрлари билан ишлашни такомиллаштиришнинг илғор тажрибасини ўртоқлашиш учун, бу муҳим ишни ташкил этишнинг энг яхши форма ва методларини ўрганиш учун тўпландингиз.

Партия қишлоқдаги кадрлар билан ишлашни ўз аграр сиёсатининг ажралмас таркибий қисми деб билади. Колхоз ва совхозлар замонавий қудратли техника билан таъминланаётган, ерларни химиялаш ва мелиорациялаш кўлами тобора кенгайиб бораётган ҳозирги пайтда кадрларнинг малака даражаси, уларнинг ишлаб чиқаришни фан ва илғор тажриба ютуқлари асосида бошқариш маҳорати қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, самарадорлик ва сифатни ошириш учун жуда катта аҳамият касб этади.

Бевосита ғалла, гўшт, сут, картошка, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштириладиган бўлимлар, бригадалар, фермалар ва бошқа хўжалик бўлинмаларини кадрлар билан мустаҳкамлаш иши партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг жуда катта эътиборига лойиқдир. Механизатор кадрларга алохида ғамхўрлик қилиниши лозим, машиналардан унумли фойдаланиш, мўл ҳосилга ва чорвачиликнинг юксак маҳсулдорлигига эришиш аввало уларнинг профессионал маҳорати ва фидокорона меҳнатига боғлиқдир.

КПСС Марказий Комитети колхоз ва совхозларнинг 1977 юбилей йилидаги иш натижаларига катта аҳамият бермоқда. Ҳозир қишлоқ меҳнатчилари учун ишнинг энг масъулиятли босқичи бошланмоқда. Ҳамма жойда экинларни меҳр билан парвариш қилиш, кўпроқ ем-хашак етиштириб ғамлаб олиш, ҳосил ўрим-йиғимига яхши ҳозирлик кўриш ва уни пухта ўтказишни таъминлаш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик, давлатга деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма маҳсулотларини сотиш юзасидан белгиланган планларни ва олинган социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш жуда муҳимдир.

Ростов областининг қишлоқ хўжалиги кадрлари билан ишлаш соҳасидаги тажрибасидан кенг фойдаланиш бу йилги план ва топшириқларнинг, умуман ўнинчи беш йилликнинг, КПСС XXV съезди қарорларининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам беради, деб ишонч билдираман.

Бутуниттифоқ семинари қатнашчиларини астойдил табриклайман ва уларга ишда муваффақиятлар тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ДЎСТОНА ВИЗИТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

МУЗОКАРАЛАР ТУГАДИ

31 май куни Кремлда Совет — Болгария музокаралари ниҳоясига етди.

Музокараларни совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раисининг ўринбосари Н. К. Байбаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг БХРдаги элчиси В. Н. Базовский;

Болгария томонидан — БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси С. Тодоров, Болгария Халқ деҳқонлар иттифоқининг секретари, БХР Давлат Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари П. Танчев, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Цолов, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БКП Марказий Комитетининг секретари Г. Филипов, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, БХР ташқи ишлар министри П. Младенов, БКП Марказий Комитети секретариатининг аъзоси, БКП Марказий Комитети ташқи сиёсат ва халқаро алоқалар бўлимининг мудири Д. Станишев, БКП Марказий Комитетининг аъзоси, БХРнинг СССРдаги элчиси Д. Жулев олиб бормоқдалар.

Совет — Болгария муносабатларига оид кўпгина масалалар юзасидан фикрлашиб олиш ниҳоясига етказилди. Ҳар икки томон совет ва болгар халқлари сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган икки томонлама ҳамкорликнинг самарали ва юксак даражали эканлигини мамнуният билан қайд қилди. Бу ҳамкорлик Совет Иттифоқи билан Болгария меҳнаткашларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга хизмат қилаётганлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Халқаро проблемаларни ва айниқса Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқиш музокараларда катта ўрин эгаллади. Ҳар икки делегация Умумевропа кенгашининг Якунловчи актини оғишмай амалга ошириш, сиёсий кескинликни юмшатишни ҳарбий соҳада кескинликни юмшатиш билан тўлдириш, барча давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни активлаштириш Европа халқларини, шу жумладан Болқон ярим ороли районида яшаётган халқларни тинч ривожлантиришнинг мустаҳкам гарови эканлигига эътиборни жалб этди. Хельсинкида эришилган ахдномаларни рўёбга чиқариш билан ва Белградда ўтказиладиган учрашув билан боғлиқ баъзи актуал масалалар ҳам ана шу нуқтаи назардан кўриб чиқилди. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг 1976 йил ноябрида Бухарестда бўлиб ўтган Сиёсий маслаҳат комитети кенгашида илгари сурилган тинчлик мақсадларидаги янги таклифларнинг ролига юқори баҳо берилди.

Музокаралар қардошларча дўстлик, самимият, тўла якдиллик вазиятида ўтди.

* * *

Ўртоқ Т. Живков бошчилигидаги Болгария Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси шу куни Звездний городок — Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш марказида бўлди.

Олий меҳмонлар шу марказнинг ташкил этилиш тарихи ва иши билан, қардош социалистик мамлакатлар космонавтларининг биргаликда космосга қиладиган парвозига тайёргарликнинг бориши билан танишдилар. Улар «Союз» космик кема — тренажери кўздан кечирдилар. Шу кемада ерда бўлажак эксперименталр программаси пишиқтириб олинади.

Ҳарбий ҳаво кучлари бош қўмондонининг биринчи ўринбосари, авиация маршали А. Н. Ефимов, СССРнинг космонавт-учувчилари: авиация генерал-лейтенанти В. А. Шаталов, авиация генерал-майори А. Г. Николаев тегишли изоҳларни бериб турдилар.

Делегация аъзолари космоси биринчи бўлиб забт этган Ю. А. Гагарин ҳайкали пойига гулдасталар қўйишди.

Т. Живков ва делегация аъзолари фахрий меҳмонлар дафтарига ўз таассуротларини ёзиб қолдирдилар.

КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов, СССРнинг БХРдаги элчиси В. Н. Базовский делегация билан биргаликда Звездний городокда бўлди. (ТАСС).



Суҳбат пайти. В. Мусаэльян фотоси, (ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ Т. ЖИВКОВ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

31 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков билан дўстона суҳбатлашди.

КПСС ва БКП раҳбарлари совет—болгар ҳамкорлигига доир баъзи масалаларни кўриб чиқдилар ва бу ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш вазифаларига алоҳида эътибор бердилар. Шу билан бирга улар турли босқичларда КПСС билан БКПнинг мустаҳкам амалий алоқаларини чуқурлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Ҳар икки томон иккала мамлакатнинг ҳар томонлама ҳамкорлиги уларнинг астасекин яқинлашувига қонуниятли равишда олиб боради ва бу жараён совет ҳамда болгар халқларининг туб манфаатларига, социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатлар халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади, деб ишонч билдирди.

Коммунистик ва ишчилар ҳаракати, халқаро ҳаётнинг актуал масалалари юзасидан фикрлашиб олинди. Л. И. Брежнев билан Т. Живков СССР ва БХР бундан буён ҳам жаҳон миқёсида соғлом сиёсий иқлимни таркиб топтиришга, Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш юзасидан Хельсинкида келишиб олинган программанинг изчил амалга оширилишига, кескинликни юмшатиш йўлидан муттасил олға ҳаракат қилиб борилишига бутун чоралар билан ёрдам берадилар, деб уқтириб ўтдилар. Суҳбат давомида қуроллариш пойгасини тўхатиш ва қуролсизланишга ўтиш қонт муҳим эканлиги таъкидланди. Социалистик мамлакатлар илгари сурган тегишли амалий таклифлар комплекси бунга хизмат қилиши лозим.

Суҳбат КПСС билан БКП ўртасидаги муносабатларга хос бўлган бирлик, дўстлик ва қардошлик вазиятида ўтди. (ТАСС).

ЎРТОҚ Т. ЖИВКОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

31 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Тодор Живковга Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг «Олтин юлдуз» медалини топширди.

Совет Иттифоқининг мукофотини топшириш вақтида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитети секретарлари, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ва СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, министрлар ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Залда БХР партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари ҳам бор эди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўртоқ Т. Живковга Совет Иттифоқининг олий мукофотини топшириш пайтида бундай деди:

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқ Живков!

Ҳурматли ўртоқлар, дўстлар!

Биз ҳозиргина Совет — Болгар музокараларини тамомладик ва қўшма ахборотни имзоладик. Биз ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришнинг яхши программасини биргаликда ишлаб чиқдик, деб айтиш учун ҳамма асослар бор.

Аммо бугун бизда яна бир ёқимли воқеа рўй бериб турибди. СССР Олий Совети Президиуми совет кишиларининг социалистик Болгарилга ва унинг атоқли раҳбарига қардошлик туйғуларини изҳор қилиб, ўртоқ Тодор Живковга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини берди.

Азиз дўстимиз, шу ерда ҳозир бўлган барча кишилар номидан ва, мен бунга аминман, миллионларча совет кишилари номидан Сизни Советлар мамлакатининг ана шу олий мукофоти билан қизғин табриклашга ижозат бергайсиз. Сиз Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси сифатида бажараётган катта ва масъулиятли ишингизда янгидан-янги муваффақиятларга эришувингизни тилайман.

Ўртоқ Живков, мамлакатимизда Сизни яхши биладилар ва севадилар.

Сиз урушнинг оғир йилларида тиз чўкмаган Болгарияда партизанлар ҳаракатининг ташкилотчилари ва раҳбарларидан бири сифатида иш олиб бордингиз. Болгария диёрида озодлик тантана қилган пайтда эса Сиз бутун куч-ғайратингизни социализм қурилишига бағишладингиз, улуғ революционер Георгий Димитровнинг муносиб шогирди ва унинг ишларини давом эттирувчи киши эканлигингизни намойиш қилдингиз.

Совет кишилари Сизнинг мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги анъанавий дўстликка астойдил содиқ эканлигингизга, Совет Иттифоқи билан Болгариянинг ҳар томонлама ҳамкорлиги ва яқинлашувини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссангизга ғоят юксак баҳо бермоқдалар.

(Давоми иккинчи бетда).

МОНГОЛ—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ЖАМИЯТИНИНГ VI СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Шонли юбилей — Монголия Халқ Республикасида Совет Иттифоқи билан дўстлик оммавий ташкилоти тузилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан монгол—совет дўстлиги жамияти съезднинг иштирокчиларини самимий табриклайман ва жамиятнинг барча аъзоларини қизғин қутлайман.

Сизнинг съездингиз совет халқи, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг халқлари, бутун прогрессив инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини тантанали нишонлашга тайёрланаётган шонли кунларда ўтмоқда. Совет кишилари улуғ Ленин таълимотини, Октябрь революцияси ғояларини ўз миллий ва социал озодлиги учун курашда ғалаба байроғи қилиб олган монгол халқи Октябрь юбилейини ўзининг катта байрами сифатида нишонлашини, уни социалистик қурилишда, МХРП XVII съезди қарорларини бажаришда янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олишини биладилар.

Монгол—совет дўстлиги жамияти социализм қурилишида, монгол ва совет халқлари ўртасида қардошларча, самимий муносабатларни ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришда Монголия Халқ революцион партиясининг содиқ ёрдамчисидир.

Жамиятингизнинг МХР меҳнаткашларини совет кишилари хаёти ва Совет Иттифоқида коммунистик қурилиш тажрибаси билан, тинчликсевар ташқи сиёсатимиз билан, КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишда эришилган муваффақиятлар билан таништириш борасидаги кўп қиррали фаолияти бизнинг мамлакатимизда ҳаммага яхши маълум.

Катта ва олижаноб ишлари учун жамиятингизнинг барча аъзоларига самимий миннатдорчилик изҳор қиламан.

Азиз ўртоқлар, социализм қурилишида қардош Монголиянинг барча меҳнаткашларига чин юракдан янгидан-янги зафарлар тилайман.

Мустаҳкам совет—монгол дўстлиги абадий яшасин ва равнаж топаверсин!

Л. БРЕЖНЕВ.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пилла топшириш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Хурмат тахтаси»га ёзилди:

Қорақалпоғистон АССР — область партия комитетининг секретари **К. Камолов**, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Д. Ешимбетов**, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси **Е. Айтмуродов**, область комсомол комитетининг секретари **К. И. Дошумбоев**, Қорақалпоғистон Республика пиллачилик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **П. Т. Темирхонова**.

Андижон области — область партия комитетининг секретари **И. Б. Усмонхўжаев**, область ижроия комитетининг раиси **Д. Ҳасанов**, область комсомол комитетининг секретари **Б. Т. Болтабоев**, область пиллачилик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Д. Б. Болтабоев**.

Жиззах области — область партия комитетининг секретари **С. М. Тоиров**, область ижроия комитетининг раиси **Э. Исломов**, область комсомол комитетининг секретари **З. К. Болтабоева**, область пиллачилик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **С. Ҳакимов**.

Чиноз райони — район партия комитетининг секретари **К. Мамедов**, район ижроия комитетининг раиси **У. Бузруков**, район комсомол комитетининг секретари **Т. Умаров**, пилла қуритиш бош корхонасининг директори **Х. Атхамов**.

Тахтакўпир райони — район партия комитетининг секретари **Т. Шербеков**, район ижроия комитетининг раиси **К. Трумбетов**, район комсомол комитетининг секретари **П. Абдужамиев**, пилла қуритиш бош корхонасининг директори **К. Кенжабоев**.

Бўз райони — район партия комитетининг секретари **Т. Хожиқосимова**, район ижроия комитетининг раиси **А. Рустамов**, район комсомол комитетининг секретари **Р. Ҳайдаров**, пилла қуритиш бош корхонасининг директори **А. Усмонов**.

Балиқчи райони — район партия комитетининг секретари **Д. Маликов**, район ижроия комитетининг раиси **М. Рашидов**, район комсомол комитетининг секретари **Р. Абдурахмонова**, пилла қуритиш бош корхонасининг директори **А. Раҳматуллаев**.

Ленин райони — район партия комитетининг секретари **Х. Исманов**, район ижроия комитетининг раиси **З. Усмонов**, район комсомол комитетининг секретари **О. Абдуллаев**, пилла қуритиш бош корхонасининг директори **Г. Тоҳиров**.

Хўжаобод райони — район партия комитетининг секретари **Н. Кодиров**, район ижроия комитетининг раиси **Д. Дадабоев**, район комсомол комитетининг секретари **Т. Мирзаев**, пилла қуритиш бош корхонасининг директори **М. Мирзаев**.

Избоскан райони — район партия комитетининг секретари **У. Саримсоқов**, район ижроия комитетининг раиси **Т. Мамажонов**, район комсомол комитетининг секретари **З. Шокирова**, пилла қуритиш бош корхонасининг директори **И. Йўлдошев**.

СОВЕТ—БОЛГАРИЯ АХБОРОТИ ИМЗОЛАНДИ

31 май куни Катта Кремль саройида БХР партия-ҳукумат делегациясининг СССРга қилган визити тўғрисида Совет — Болгария ахборотни имзоланди.

Ҳужжатни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Тодор Живков имзоладилар.

Ахборотни имзолаш чоғида:

Совет томонидан— Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. У. Черненко, К. В. Русаков ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, министрлар, бошқа расмий кишилар;

Болгария томонидан — делегация аъзолари С. Тодоров, П. Танчев, Т. Цолов, Г. Филипов, П. Младенов, Д. Станишев ўртоқлар, БКП Марказий Комитетининг аъзоси, БХРнинг СССРдаги элчиси Д. Жулев, делегацияга ҳамроҳ бўлган расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

БКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ, БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ ТОДОР ЖИВКОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИЛДИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси халқлари ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги, тинчлик ва социализмни мустаҳкамлаш ишидаги жуда катта хизматларини ҳамда жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатида кўп йил актив қатнашганлигини тақдирлаб, СССР Олий Совети Президиуми 1977 йил 31 май Фармонига биноан БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ **Тодор Живковга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони бериб, унга **Ленин** ордени ҳамда **«Олтин Юлдуз»** медалини топширади.

Ўртоқ Т. Живковга мукофот топшириш пайти. А. Пахомов фотоси. («Правда»).

Л. И. Брежневнинг Францияга қиладиган визитига доир

Франция Республикаси Президентининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев шу йил 20 июндан 22 июнгача расмий визит билан Францияда бўлади.

ЎРТОҚ Т. ЖИВКОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

(Боши биринчи бетда).

Сизнинг ер юзида мустаҳкам тинчлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашдаги актив иштирокингиз халқаро майдонда кенг эътироф этилди. Азиз ўртоқ Живков, биз Сизнинг социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш, принципиал марксча-ленинча асосда жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини мустаҳкамлаш, агрессияга ва жабр-зулмга қарши, халқлар тинчлиги, озодлиги ва социал тараққиёти учун курашда замонамиздаги барча революцион кучларни жипслаштириш йўлида ҳормай-толмай қилаётган ишларингизни ардоқлаймиз.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб эшиттиришга ижозат бергайсиз:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва социализмни мустаҳкамлаш ишидаги жуда катта хизматларини ҳамда жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатида кўп йиллардан буён актив қатнашиб келаётганлигини тақдирлаб, БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Тодор Живковга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилсин ва Ленин ордени ҳамда «Олтин юлдуз» медали топширилсин».

Ўртоқ Т. ЖИВКОВ нутқи

Азиз ўртоқ Брежнев!

Совет Иттифоқидаги азиз ўртоқларимиз!

Шу лаҳзада гоят ҳаяжонланаётганлигимни яхши биламан. Ҳозир, Болгария Халқ Республикаси партия ҳукумат делегациясининг буюк Советлар мамлакатига визити чоғида КПСС Марказий Комитети билан СССР Олий Совети Президиуми менга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини бермоқдалар.

Менга Совет Иттифоқининг энг олий унвонини бериш тўғрисидаги қарорни айни шу ерда, Москвада билганлигимдан айниқса ҳаяжонланмоқдамаман. Олтин Юлдуз медали билан иккинчи Ленин орденини шу ерда, Кремлда, азиз Леонид Ильич, КПСС ва Совет давлатининг раҳбари, Улуғ Ленин ишининг давомчиси бўлмиш шахсан Сизнинг қўлингиздан, тараққийпарвар инсоният ишонч ва умид нигоҳи билан қараётган Сизнинг қўлингиздан қабул қилиб олаётганлигим учун ҳам янада ҳаяжонланмоқдаман. Худди шу боисдан ҳам менга кўрсатилган юксак шараф учун бутун қалбимдан сидқидилдан миннатдорчилик билдирмоқ учун ўз ҳаяжонимни зўрга босиб турибман.

Совет Иттифоқидаги биродарларимиз ва ўртоқларимиз меннинг учун шу ёрқин ва унутилмас кунда сизларнинг олдингизда шуни таъкидламоқчиманки, менга юксак унвон берилиши меннинг коммунист сифатидаги курашимга, Болгария — Совет дўстлигини муттасил ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшган ҳиссамга берилган баҳо ифодасигина бўлиб қолмайди. Бу юксак унвон берилишини Болгария Коммунистик партиясининг, марксча-ленинча таълимотга оғишмай амал қилаётган партиясининг, пролетар ва социалистик интернационализм принципларидан илҳомланаётган ва шу принципларни изчиллик билан амалга ошираётган партиясинг ва уни ўзининг ўлмас доҳийси ва устози Георгий Димитров неча ўн йиллар мобайнида КПССга, Совет Социалистик Республикаларининг қудратли ва енгилмас иттифоқига чексиз садоқатли бўлиш, совет кишиларини муқаддас ва соф меҳр-муҳаббат билан севиш руҳида тарбиялаган партиянинг ишлари ва хизматлари эътироф этилиши деб биламан.

Менга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганлигини халқимизга, социалистик жамият бунёдкори бўлмиш халққа, ишчилар синфига, қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашларига, зиёлиларимизга кўрсатилган юксак шараф ва ишонч деб биламан. Улар учун Болгария—Совет дўстлиги қардошлик ва ҳамкорлик намуна сифатида

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Бекобод районидаги қўриқ ерда ташкил этилган «Ленинград» совхози миришкорлари мўл ҳосил етиштириш йўлида астойдил меҳнат қилаётирлар. Учинчи бўлимнинг Асқар Йўлдошев бошлиқ бригадаси аъзолари ўтган йили ҳар гектар ердан 21 центнердан ҳосил олиб, планни совхозда биринчи бўлиб бажаришган эди. Бригада миришкорлари бу йил ҳам пешқадамлик қилиш учун курашяптилар. Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бериляпти, айни пайтда қондириб суғорилаётир. Суратда: бригада бошлиғи Асқар Йўлдошев (ўнгда), сувчи Холмирза Худойберганов ва механизатор Пўлат Қуролов ўртоқлар.

Т. Маҳкамов фотоси.

Тошкент области маккажўхорикорлари ташаббусига қўшиламиз

ҲАМ МАККАЖЎХОРИ, ҲАМ ШОЛИ

Хоразм области меҳнаткашлари 1977 йилда 55 минг тонна, яъни ўтган йилдагидан 25 минг тонна кўп маккажўхори дони етиштиришга қарор қилдилар, илғор хўжаликларда ҳосилдорлик гектар бошига 100 центнердан ошириладн. Айни кезда 75 минг тонна шоли тайёрланади. Миришкорларнинг партия ва совет ташкилотлари етакчилигида бу борада олиб бораётган ишларини меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси, республика Олий Совети депутати Р. Эшчонов шарҳлайди.

— Областимизда маккажўхори дони, шоли етиштириш йил сайин кўпайтириляпти. Лекин бунга катта қийинчиликларни енгиш йўли билан эришиляпти. Сув танқислиги айниқса яққол сезиляпти. Маккажўхори ва шоли эса сувхўр экиндир. Область партия, совет, комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш йўли билан маккажўхори дони ва шоли тайёрлаш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни бажариш чораларини кўряпти.

Бу йил ҳам айнан шундай қийинчиликка дуч келдик. Амударёда оқар сув ҳар қачонгидан кам бўлди, оқибатда экинтикин ишлари кечикди. Халқимизга раҳмат, бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлади. Коммунистлар, маҳаллий советларнинг депутатлари, активлар иш бошида турди. **Областимиз бўйича дон учун 7.360 гектар, силос учун 6.150 гектар майдонга маккажўхори уруғи қадалиб, яхши натижага эришилди.** Область хўжаликлари ўтган йили маккажўхоридан 30 минг тоннага яқин сара дон йиғиштириб олган эдилар, **бу йил Тошкент области маккажўхорикорларининг ташаббусига қўшилиб, 55 минг тонна маккажўхори дони етиштиришга қарор қилдилар.**

Биз бунда қандай резервларга умид боғламоқдамиз? Областимиз бўйича маккажўхори майдонларини ўтган йилдагига нисбатан анча кенгайтирдик, ҳамма пайкалларга навли, сараланган, районлаштирилган маккажўхори уруғи қадалди. Ниҳоллар бир текис ундириб олинди, ҳар гектар майдонда ўтган йилдагидан 10-15 минг туп кўп кўчат ўстирилмоқда.

Маккажўхорикорлик бригадалари ўқимишли ва ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамланди. Ер майдонлари тракторчилар, сувчиларга доимий қилиб биркитилди. Улар кўчатлар сонини мавсум охиригача тўла сақлаб қоладилар, юқори ҳосилли бўлишини таъминлайдилар. Хирмон кўтарилиб бўлингач, ҳосил миқдори ва сифатидан бригада бошлиқлари билан баравар шахсий манфаат кўрадилар. Кўп дон етиштирган бригадалар ва хўжаликлар рағбатлантирилади.

Областимизда 130 та маккажўхорикорликка ихтисослаштирилган бригада бор. Уларнинг ер майдони, қанча дон ва поя етиштириши аниқ белгилаб чиқилди, шу асосда социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. **Илғор бригадаларимиз ва хўжаликларимиз гектаридан 100 центнер ва ундан ошириб маккажўхори дони етиштиришга сўз бердилар.** Булар орасида Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхознинг Узбекистон ССР Олий Совети депутати Собир Қаландаров, Боғот районидаги «Коммуна» колхозининг Болтабека Бакиева, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг Рўзимат Ёрлиқобов, Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхозининг Тожибой Оллоназаров, Хазорасп районидаги Карл Маркс номли колхознинг Ёқуб Эгамбердиев бошлиқ бригадалар бор. Шунингдек, Шовот районидаги Киров номли колхознинг Оқназар Пўлатов, Янгиариқ районидаги «Коммунизм» колхозининг Собир Курязов бригадалари ҳам юбилей йилида рекорд маккажўхори дони етиштиришга аҳд қилдилар.

Юбилей йилида гектаридан 80 центнердан кам маккажўхори дони олаётган бирорта бригада, хўжалик бўлмаслигини бош вазифа қилиб қўйдик.

Ҳозир қилинган ишларга маҳлиё бўлиб ўтириладиган фурсат эмас. Йил деҳқончилик учун анча мураккаб келяпти. Бошқоқи экинлардан кутилганча ҳосил олиш қийинлиги сир эмас. Тўғри, суғориладиган арпа, буғдойзорларда ҳосил яхши бўлди. Уни сира исроф қилмасдан йиғиб-териб олишимиз, донини давлатга топширишимиз керак. Айни кезда ламмикор ерлар ҳосили ўрнини тўлдириш чораларини кўрмоғимиз керак. Бунда маккажўхори катта резервдир.

Область партия комитети, район партия комитетлари, совет ташкилотлари маккажўхори парваришини қаттиқ назорат остига олдилар. Ўғит, сув вақтида етказиб бериляпти, тракторлар икки сменада ишлатиляпти. Эндиги вазифа суръатни янада кучайтиришдан, ҳар туп маккажўхорида сердон сўталар бунёдга келтиришдан иборат, маккажўхорикорларимиз айнан шуни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

Областимиз маккажўхорикорларининг сўзи билан иши бир. Улар юбилей йилида 55 минг тонна маккажўхори дони тайёрлаш ҳақидаги мажбуриятларини шараф билан адо этадилар.

Бизда шоликорлик ҳам салмоқли ўрин тутади. Ўзбекистон партия ва ҳукумати Хоразмда шоликорликни ривожлантириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. **Бу йил 75 минг тонна шоли тайёрлашимиз керак. Ҳар гектар ердан ўртача 60 центнердан хирмон кўтариб, яппи ҳосилни ўтган йилдагидан 8 минг тонна кўпайтирмоғимиз лозим.**

Тошкент области маккажўхорикорларининг Узбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган гектаридан 100 центнердан дон етиштириш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббуси областимиз маккажўхорикорлари, шоликорларига ибрат намунаси бўлади, **ҳамма жойда юз центнерлик ҳаракатини авж олдирамиз, илғор хўжаликларда гектаридан 100 центнердан маккажўхори дони етиштирилишини таъминлаймиз, шоли етиштиришни ҳар қачонгидан кўпайтирамиз.**

ТОШКЕНТДА СССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИНИНГ ФАН-ТЕХНИКА СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ МАЖЛИСИ ОЧИЛДИ

ТАДҚИҚОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ

СЎЗ — ТОШКЕНТДА ЎТАЁТГАН СССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ ФАН-ТЕХНИКА СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА:

Г. А. НИКОЛАЕВ — Бауман номидаги Москва олий техника билим юртининг ректори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони:

— Узбекистонда биринчи марта бўлишим. Мени ўзбек халқи кўлга киритган улкан ютуқлар ҳайратда қолдирмоқда. Ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида Ўрта Осиё, шу жумладан, Узбекистон ССР мехнаткашлари қолоқликдан илм-фан, маданият, саноат, шаҳарсозлик соҳаларида юксак чўққиларга кўтарилди. Эндиликда республика ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Бугунги кунда бир вақтлар чоризмнинг қолоқ ўлкаси ҳисобланган Узбекистон таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Шахсан мен Узбекистон билан кўп сонли битирувчиларимиз орқали қалбдан яқин боғланганман. Ҳозир ана шу собиқ талабаларимиз турли илмий-тадқиқот муассасаларида, лабораторияларда ва корхоналарда самарали ишлаб, коммунистик қурилишдек олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Бизнинг билим юртимиз билан Тошкент политехника институти ўртасида қардошлик ва дўстлик алоқалари ўрнатилган. Тошкент политехника институти еттита олий ўқув юртининг бири сифатида бизнинг ўқув даргоҳимиз билан ҳар томонлама алоқа олиб боради. Биз бир йилда икки марта мазкур ўқув даргоҳи билан профессор-ўқитувчилар ва студентларнинг ҳаажонли учрашувларини ўтказиб турамиз. Бу унутилмас мулоқатлар давомида бир-бирмизнинг бой тажрибамизни ўрганамиз. Буларнинг ҳаммаси — ўз навбатида методик, тарбиявий ишларни яхшилаш ва илмий кадрлар тайёрлаш сифатини, тадқиқотлар самарадорлигини янада оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Фахр-ифтиҳор билан шуни қайд этиш керакки, қобилиятли ўзбек ёшларидан тайёрлаб етиштирилган фан докторлари ва кандидатларининг бир қисми ҳозир Тошкент автомобиль ва йўллар институтида қизиқарли изланишлар олиб бориш билан бирга бўлажак мутахассисларга чуқур билим ҳам бермоқдалар. Менимча, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги фан-техника совети Президиуми мажлисининг илмий ишлар ғоят юқори савияда олиб борилаётган Узбекистон ССРнинг кўркам Тошкент шаҳрида ўтказилиши қувончлидир. Бир қанча докладлар тингланди. Айниқса, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, академик, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. Содиқовнинг сермазмун доклади шахсан менда катта таассурот қолдирди. Студентлар илмий-тадқиқот ишлари кўргазмасининг уюштирилиши менинг юқоридаги фикримни тасдиқлаши мумкин.

Мен азим Тошкентнинг кўркам жойларини — ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтининг янги ўқув корпусини, улкан оққушни эслатувчи университет биноси ва унинг гўзал шаҳарчасини, ҳукумат биноларини кўриб, қадимдан меъморчилик соҳасида бой тажриба тўпланган ажойиб ва меҳмондўст ўзбек халқининг истеъдоди ва серқирра санъати билан танишиш шарафига муяссар бўлганлигим бизнинг ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Ю. И. УХАНОВ — М. И. Калинин номидаги Ленин орденли Ленинград политехника институтининг илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари, физика-математика фанлари доктори, профессор:

— Мамлакатимизнинг турли олий мактабларидан келган меҳмонлар иштирок этаётган бу анжуман, менимча, биринчи навбатда олий мактабларда илмий-тадқиқот ишларини янада яхшилашда, ишларни планлаштириш ва марказлаштиришда, ўзаро тажриба алмашишда жуда катта роль ўйнаши шубҳасиз. Чунки ҳозирги вақтда ҳаёт кўп сонли илмий ходимларнинг фанга жалб этилишининг ўзи кўпгина муаммоларни ҳамкорликда ҳал этишни тақозо этмоқда. Бугунги кунда ишларни марказлаштириш, давлат маблағларини тежаб-тергаб сарфлаш, ўзаро фикр алмашиш, келажак учун аниқ ва истиқболли режалар тузиш фан кишисидан катта масъулият талаб этмоқда. Фан ишлаб чиқариш кучига айланган бир пайтда барча ишларни планлаштириш масаласига эътиборни янада кучайтириш ғоят муҳимдир.

Бундай улкан йиғилишларни тез-тез ўтказиб туришнинг аҳамияти катта эканлиги кўпчиликка аён. Чунки олий мактаб профессор-ўқитувчилари ва олимлари олдига қўйилаётган талаблар ва йўналишларнинг кўлами чексиз. Планлаштириш ишлари билан бевосита олий мактабларнинг ўзлари, олимлар, кафедралар шуғулланишлари лозим. Анжуманда муҳокама қилинаётган масалалар шуниси билан характерлики, ишлаб чиқилган илмий тадқиқотларни тезроқ амалиётга татбиқ этишнинг конкрет йўллари батафсил кўрсатиб берилади.

Узбекистонда илм-фан жадал ривожланмоқда. Тошкентдаги физика-техника илмий муассасаси ва политехника институти совет фанининг олдинги сафларида бориб, ўзининг ноёб тадқиқотлари билан чет элларда ҳам фахр билан тилга олинмоқда. Физика, электроника, қуёш энергияси соҳасида катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Узбек олимлари иттифоқдош республикалар қаторида совет фани тараққиётига улкан ҳисса қўшишмоқда. Уларнинг халқаро анжуманларда иштирок этаётгани фикримизнинг далили бўла олади.

Бизнинг институт билан ўзбек олимлари мустаҳкам алоқа ўрнатишган. Уруш йиллари ленинградлик олим Л. Н. Добрицов Тошкент Давлат университетида ишлаб, маҳаллий миллат ёшларидан кўплаб кадрлар тайёрлашда, илм-фанни юксалтиришда фаол қатнашди. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик қувончли самаралар бермоқда. Биз ТошДУ, Тошкент политехника институти олимлари билан мунтазам равишда фикр ва тажриба алмашиб турамиз. Мен академик Иоффе номли физика-техника институтида ишлаб юрганимдаёқ тошкентлик физиклар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган эдим.

Тошкентда ўтаётган Бутуниттифоқ анжумани олимларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва дўстликни янада мустаҳкамлайди, деб умид билдирамиз.

ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОВЕТ КОМИТЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

6-11 майда Варшавада бўлиб ўтган мустаҳкам тинчлик бунёдкорлари жаҳон ассамблеясининг якунларига бағишлаб 31 май куни Москвада тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Совет делегациясининг аъзолари, тинчликни ҳимоя қилиш республика, область комитетларининг, жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Мажлисда докладчи ва нотиқлар Варшава ассамблеяси тинчлик тарафдорлари кучининг ўсганлигини, жаҳон сиёсатининг ривожига жамоатчилик таъсири кучайганлигини, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун биргаликда куч-ғайрат сарфлаб курашишга тайёр эканлигини яққол намойиш қилганлиги уқтириб ўтилди.

Мажлис иштирокчилари Л. И. Брежневнинг 29 май куни телевидение орқали сўзлаган нутқини қизғин табрикладилар, унинг тинчликни мустаҳкамлаш ва кескинликни юмшатиш — ҳар бир кишининг иши бўлмоғи керак. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида эришилган натижалар чегара эмас, балки янги ҳаракатлар учун биринчи қадамдир, деган сўзлари ғоят асосли ва жуда муҳим эканлигини таъкидладилар.

Комитет президиуми Варшава ассамблеяси қарорларини амалга ошириш юзасидан тегишли тадбирлар белгилади. (ТАСС).

оламда нима гап

СОФИЯ:

ҲАЁТ СИНОВИДАН ЎТГАН ЙЎЛ

«Работническо дело» газетаси ўзининг «Оқ йўл» сарлавҳали бош мақоласида бундай деб ёзади: «Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Тодор Живков бошчилигидаги Болгария партия-ҳукумат делегациясининг СССРга қилаётган визити катта сиёсий аҳамиятга молик воқеадир».

Газета ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилганлиги муносабати билан бу визит айниқса катта аҳамият касб этади, деб уқтириб ўтади.

Бу янги босқич бундан бир йил муқаддам бўлиб ўтган КПСС XXV съезди ва БКП XI съезди тасдиқлаган тарихий режалар билан белгиланади. Ленин партияси ўзига хос собитқадамлик, комил ишонч, умидворлик билан коммунистик жамият қурилишининг янги истиқболларини белгилаб берди. Бизнинг партиямиз — БКП ривожланган социалистик жамият қурилишининг янги даврига қадам қўйди. Ягона мақсад, ягона идеология, деб таъкидлайди БКП Марказий Комитетининг органи, дўстлигимизнинг қудратли объектив кучидир.

Ўтган ҳар бир йил, ҳар бир янги беш йиллик, деб ёзади газета, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик Иттифоқининг аҳамиятини яққол тасдиқламоқда. Совет Иттифоқи билан Болгария заводлари, илмий-тадқиқот институтлари, маданият ташкилотлари ўртасида, Совет Иттифоқидаги областлар билан Болгариянинг округлари ўртасида, совет кишилари билан болгарлар ўртасида сон-саноқсиз алоқалар боғланган. Совет Иттифоқининг ўнинчи ва бизнинг еттинчи янги беш йилликларимиз олдига қўйилган вазифалар юксак самарадорлик ва сифат учун кураш умумий шиори остида амалга оширилмоқда.

Газета БХР партия-ҳукумат делегациясининг СССРга визити Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланадиган юбилей йилида ўтаётганлигини таъкидлайди. Бу эса визитнинг аҳамиятини янада оширади.

«Работническо дело» газетаси ҳар иккала мамлакат раҳбарлари — Леонид Ильич Брежнев билан Тодор Живков ўртоқлар ўртасидаги дўстона муносабатлар СССР билан социалистик Болгария қардошларча бирлигининг ёрқин рамзи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Биз аминмизки, деб ёзади газета мақола охирида, социалистик Болгариянинг намояндалари қардош Совет диёрида — қадимий Кремлда ҳам, янги заводларнинг корпусларида ҳам, қўриқ ерларда ҳам ғоят шодиёна кутиб олинади.

ҚОҲИРА:

МИСР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ БАЁНОТИ

Миср Араб Республикасининг ташқи ишлар министри И. Фаҳми Миср матбуотида босилган суҳбатида Миср СССР билан муносабатларининг «одатдагича, яхши муносабатлар» бўлишига интилаётганлигини айтди. Бизнинг Совет Иттифоқи билан муносабатларимиз, деди у, бир-бирини ҳурмат қилиш, ҳар икки давлатнинг ўз зиммасидаги масъулиятни тушунишга асосланиши керак.

Министр СССРнинг Якин Шарқ можаросини бартараф қилиш соҳасидаги ролига тўхталиб қуйидагиларни айтди: «Совет Иттифоқи билан АҚШ халқаро кескинликни юмшатиш тадбирларини амалга оширмоқда. Кескинликни юмшатиш талабларига мувофиқ ҳар икки буюк давлат барча масалалар юзасидан, хусусан уруш ва тинчликка таллуқли масалалар юзасидан ўзаро маслаҳатлашиб туриши позим. Шу сабабли Яқин Шарқ можаросини бартараф этишда Совет Иттифоқи билан АҚШнинг иштирок қилиши зарур. Улар шундай тинчликка эришишда ўз ролларини бажаришлари керак».

И. Фаҳми АҚШнинг Фаластин масаласидаги позицияси ҳақида гапириб, АҚШ «бўйин товлаш ва найранг ишлатишга уринмоқда, деб таъкидлади. Министрнинг айтишича АҚШда ҳозир инсон ҳуқуқлари ҳақида гапириш одат бўлиб қолган, аммо ана шу ҳуқуқларга риоя қилиш принципи арабларга нисбатан ҳам қўлланилиши керак. Хўш, АҚШ эълон қилган ҳуқуқлардан фаластинликлар нима учун фойдалана олмайдилар?

Министр Женева конференциясини шу йилнинг куз фаслида чақириш мумкинлиги ҳақида гапириб, бундай деди: Миср Женева конференциясини мўлжалланган муддатдан олдин чақириши афзал кўради. Аммо АҚШ гўё «тўсатдан пайдо бўлиб қолган» масалани ўрганиб чиқиш учун қўшимча фурсат берилишини илтимос қилди. «Биз, — деди И. Фаҳми, — Америка маъмуриятининг ўз позицияларини белгилаб олиши ва қарор қабул қилиши учун унга фурсат даркор бўлиб қолди, деб ўйладик. Шу сабабли биз улар гумонсираш ва хавфсирашларга барҳам бера олишлари учун кутиб туришга тайёр эканлигимизни билдирдик». (ТАСС).

ҚИЗИҚИШ КАТТА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Франция ва Совет Иттифоқи халқларининг анъанавий дўстона муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва шу муносабатларни янада ривожлантириш истиқболларига берган баҳоси бу ерда кўпчиликни мамнун этди. Л. И. Брежневнинг қуролланиш пойраги спиралининг янада ёйилиб кетишига йўл қўймаслик — барча халқлар хавфсизлигини таъминлашнинг туб вазифаси эканлиги тўғрисидаги сўзлари ҳам зўр эътиборга сазовор бўлди.

«Франция — СССР» жамиятининг ижрочи президенти Ги Дессон бундай деди: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Франция — Совет муносабатларининг ҳолатига юксак баҳо берганлиги Франция жамоатчилигини руҳлантиради, чунки Совет Иттифоқи билан анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик — Франция миллий мустақиллигини таъминлашнинг, бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг гарови. дир.

Қуролсизланиш проблемаси ҳозир инсоният олдида турган энг муҳим вазифаларнинг биридир, деди Л. И. Брежнев. Франция жамоатчилиги бу фикрга қўшилади. Куни кеча ўзининг миллий съездини ўтказган «Франция—СССР» жамияти қуролсизланиш, Европа қитъасида ва унинг ташқарисида тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш ишига ҳар томонлама кўмаклашишга азму қарор берганлигини тасдиқлади.

Биз КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Францияга қиладиган визитини сидқидилдан табриклаймиз ва олий даражадаги Франция—Совет музокаралари, авваллари бўлганидек, мамлакатларимиз ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда янги босқич, халқаро вазиятни соғломлаштириш, Европада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш йўлида олға қўйилган қадам бўлади, деб умид қиламиз.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг телевидение орқали французларга қилган мурожаати Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги яхши муносабатларнинг далилидир, деди «Франция—СССР» жамияти президентлик кенгашининг аъзоси, Социалистик партиянинг миллий секретари Клод Эстье. Л. И. Брежневнинг яқинда бошланадиган визити вақтида Франция — Совет ҳамкорлиги янада кўпроқ чуқурлашиши ва кенгайишига, Француз—Совет музокаралари қурол-яроғларни чеклаш соҳасида Европа ва бутун дунё халқлари орзиқиб кутаётган янги ташаббусларга олиб боришига умид изҳор этамиз.

«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти лауреати генерал Пьер Пуйяд бундай деди: Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет ва француз халқлари умумий душманга — гитлерчилар фашизмига қарши ёнма-ён туриб жанг қилдилар. Совет Иттифоқи, совет халқи жуда кўп қурбонлар бериш эвазига Ғарбий Европа мамлакатлари халқларининг, шу жумладан француз халқининг ҳам озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолганликларини французлар ҳамиша миннатдор бўлиб эслайдилар. Л. И. Брежневнинг қуролсизланиш ҳамда мамлакатлар ва халқлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш иши ҳозирги вақтда ғоят муҳим вазифа эканлиги тўғрисидаги баёнотини Франция жамоатчилиги халқаро вазиятни янада соғломлаштириш учун, Хельсинки кенгашининг Якувловчи акти қоидаларини рўёбга чиқариш учун кураш. га қилинган даъват деб билади.

Л. И. Брежневнинг нутқи Франция матбуотининг кўпчилик органларида кўзга яққол ташланадиган ўринларда эълон қилинди. Л. И. Брежнев қуролланиш пойгасига қарши яна конкрет таклифларни ўртага қўйди, деб таъкидлайди Француз коммунистларининг органи «Юманите» газетаси. У АҚШнинг стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисидаги битим хусусида тутаётган позициясини танқид қилди ва Франсияни урушга тайёргарликни чеклашга ҳисса қўшишга чақирди. Қуролланиш пойгаси спиралининг янада ёйилиб кетишига йўл қўймаслик — барча халқларнинг туб вазифасидир.

Л. И. Брежневнинг Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги яхши муносабатларни янада ривожлантириш йўлини Франция халқи бажонидил қўллаб-қувватлайди, деган сўзларини «Фигаро» газетаси «муҳим аҳамиятга молик» сўзлар, деб атади.

«Орор» газетаси «СССР қуролланиш пойгасини чеклашга доир қисмий тадбирларга тайёр» деган сарлавҳа остида эълон қилган мақоласида АҚШнинг позицияси, Л. И. Брежнев уқтириб ўтганидек, «Бир томонлама устунликлар олишга қаратилган», деб ёзади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, деб ёзади «Матэн де пари» газетаси, Белградда ўтказиладиган учрашув «Хельсинки руҳининг» давоми ва ривожи бўлиб қолишига умид билдирди.

ДАМАШҚ:

ПРИНЦИПИАЛ ПОЗИЦИЯ

Араб Социалистик уйғониш партиясининг органи, Сурияда чиқадиган «Ал-Баас» газетаси бундай деб ёзади: «Тажриба Совет Иттифоқининг Яқин Шарқдаги можаросини бартараф этиш хусусида принципиал позицияда турганлигини ва Исроил қўшинларининг улар оккупация қилиб турган араблар территорияларидан тамомила олиб чиқиб кетилишини, Фаластиндаги араб халқининг қонуний ҳуқуқларини, шу жумладан ўз ватанида миллий давлат тузиш ҳуқуқини таъминлашни, шунингдек Яқин Шарқдаги тангликни Женевада музокаралар олиб бориш йўли билан бартараф этишни талаб қилаётганлигини тасдиқлади. Совет Иттифоқининг бу позицияси унинг халқаро кескинликни юмшатиш йўлида олиб бораётган сиёсатига тамомила мувофиқдир».

АҚШнинг Яқин Шарқдаги можаросини бартараф этиш хусусидаги сиёсатини «араблар томонини олувчи ёки бетараф позиция деб ҳисоблаш мумкин эмас. АҚШ ўзининг Яқин Шарққа нисбатан тутган сиёсатини проблемаларни ҳал этишнинг ва шу районда ўз манфаатларини таъминлашнинг энг яхши усули сифатида амалга оширишни истайди», деб ёзади газета.

«Ал-Баас» газетаси араб миллати араб давлатларига карши Исроил агрессияси масаласида Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тутган қатъий ва кескин позициясини, Совет Иттифоқининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда ҳамиша ёрдам ва мадад бериб келганлигини унута олмайди», деб таъкидлайди. Баъзи масалалар хусусида, чунончи, Ливандаги воқеалар хусусида Сурия билан Совет Иттифоқи нуқтаи назари ўртасидаги айрим тафовутларга қарамай, бу нарса умуман Совет—Араб муносабатларига мутлақо таъсир қилган эмас. Балки, аксинча, «кейинги вақтларда Араб—Совет дўстлиги янада мустаҳкамланди. Сурия Араб Республикаси президенти, Араб Социалистик уйғониш партияси Бош секретари Ҳафиз Асаднинг Москвага қилган расмий дўстона визити натижасида ва унинг совет раҳбарлари билан олиб борган муваффақиятли музокаралари туфайли бу дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланди», — деб ёзади «Ал-Баас» газетаси. (ТАСС).

ЗАРАР ҲАЖМИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливан газеталари граждан уруши Ливан экономикасига етказган зарар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилди. Ливан делегацияси араб мамлакатлари савдо палаталари федерациясининг яқинда Триполида ўтказилган кенгашига ана шу маълумотлар доклад тақдим этди. Докладга мувофиқ, қариб 16 минг корхона ёнғин, талон-торож ва вайронгарчилик объекти бўлган. Уруш ҳаракатлари ва бу ҳаракатлар етказган зарар 1975 йилнинг учинчи кварталидан бошлаб мамлакатда савдо-сотиқнинг тўхтаб қолишига олиб келди, сўнгра эса ташқи савдони ишдан чиқарди. 1974 йилда Ливан импорти 4,2 миллиард Ливан фунтини ташкил этган бўлса, 1976 йилда эса 1,8 миллиард Ливан фунтигача камайиб кетди. Экспорт 1974 йилдаги 1,5 миллиард фунтдан 1976 йилда 550 миллион фунтгача камайиб кетди. Буларнинг ҳаммаси 1974 йилда миллий ялпи маҳсулотнинг 7,5 миллиард фунтдан 1976 йилда 2,9 миллиард фунтгача қисқариб кетишига олиб келди.

Экспертлар экономика соҳасидаги умумий зарар 7,5 миллиард фунтга етди, деб ҳисоблашмоқдалар.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

▲ ХАНОЙ. Ирригация қурилишларида банд бўлган 200 дан зиёд бригадага меҳнатда катта муваффақиятларга эришганлиги учун социалистик меҳнат бригадаси деган фахрий унвон берилди.

Ҳозирги вақтда бутун мамлакатда қурилаётган энг муҳим деҳқончилик комплексларида ихтисослаштирилган бригадаларда 300 мингдан ортиқ киши ишламоқда. Ўтган йили ишлаб чиқаришни қайта қуриш ва қишлоқ хўжалигини бошқаришни яхшилаш учун кураш қаракати муносабати билан шундай бригадаларни ташкил этишга киришилган эди.

▲ ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ФКП Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Э. Кивимяки-ни ФКП Марказий Комитети Бош секретари лавозимини бажарувчи қилиб сайлади. У ФКП МК Бош секретари А. Аалто шу йил 15 майда тузилган ҳукумат составида меҳнат министри лавозимини эгаллаб турган давр мобайнида шу вазифани бажаради.

▲ ҚОҲИРА. Миср Араб Республикаси Бош министрининг ўринбосари А. Қайсуний мамлакатнинг иқтисодий аҳволи тўғрисида халқ мажлисида қилган докладида Миср жиддий иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда, деди. Жумладан у, тўлов баланси дефицитининг кўпайганлигини, пулнинг жуда қадрсизланганлигини ва мамлакатнинг чет давлатларидан ғоят қарздор эканлигини уқтириб ўтди. Мамлакатнинг чет эллардан қарзи 1976 йилнинг декабрь ойи охирида 12 миллиард долларга етди.

Миср ташқи қарзининг асосий қисмини, деб таъкидлади А. Қайсуний, мамлакатнинг ғарб мамлакатларидан ва халқаро молия ташкилотларидан катта процент эвазига олган қарзлар ташкил қилади.

▲ ТОКИО. Япония ҳукмрон либерал-демократик партиясининг аҳоли ўртасида обрў-эътибори тобора тушиб кетмоқда. Буни оппозициядаги партиялардан бири — Комэтонинг Осака префектурасида жамоат фикрини сўраб чиқиш натижалари яна бир марта «ўрсатиб берди. Сўраб чиқилган кишиларнинг 88 проценти либерал-демократик партиясининг фаолиятидан норози эканлигини билдирди.

ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИГА

Охунбобоев номли Тошкент маданият уйи ҳузуридаги халқ театри Рихси Орифжоновнинг «Уйқусиз тунлар» пьесаси асосида яратган спектакли премьерасини кўрсатди. Бу спектакль ёшларни тарбиялаш мавзуида бўлиб, театр ҳаваскорлари коллективининг Октябрь 60 йиллигига совғасидир.

Халқ театри планида А. Шокировнинг босмачиларга қарши кураш лавҳаларини кўрсатувчи «Гулғунчам» спектаклини яратиш ва «Ҳамза — революция шоири» мавзуида катта театрлашган томоша кўрсатиш мўлжалланган. Бунда драматик труппа, дуторчилар, раққосалар, ашулачилар ансамблари иштирок этадилар.

«КОНСУЛНИ ЎҒИРЛАШДИ»

Қўқон халқ театри ҳамюртларига Г. Мдивани пьесаси асосидаги «Консулни ўғирлашди» спектаклининг премьерасини кўрсатди. Капитализм мамлакатларидаги ёшларнинг ўз ҳуқуқлари, тинчлик, демократия учун курашини ҳикоя қилувчи бу спектаклни режиссёр А. Азизов постановка қилди.

(ЎзТАГ).

Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси коллективида мураббийлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Истеъдодли шогирдлар мураббийлар даражасига эришиш учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар этмоқдалар. Бу эса корхонада ишлаб чиқариш илғорлари сафининг кенгайишига ёрдам бермоқда. Суратда: фабриканинг тажрибали ишчиси, кўплаб шогирдлар тайёрлаган эъзозли мураббий Тамара Ермилова (чапда) ва бугунги кунда илғор ишчилар қаторидан ўрин олган Гулнора Авазова билан Ҳолида Сафарова. А. Тўраев фотоси.

ҚАҲРАМОН РАССОМ

Уни Улуғ Ватан уруши бошланишидан уч йил аввал аскарликка чақиришди. Симферополда ҳарбий хизматни ўтаётган пайти бехосдан уруш бошланиб қолди.

У дастлабки кунлардан урушга кирди. Табиатан ғайратли, ўктам, андак нотинч йигит эди, ўзини майдонларда ўтга ташлаб урди. Ўтни ўт кесади, деган гап унга шу ўқ ўрсатда жуда мос келиб, кундан-кунга каттароқ қаҳрамонликлар кўрсатди. Айниқса, минг тўққиз юз қирқ учинчи йил сентябрь-октябрь ойлари разведкачи сапёр сифатида 63-Тамань алоҳида танк бригадаси танкчиларининг олдинга хатарсиз босишини таъминлаб, чинакам қаҳрамон даражасига кўтарилди. У 2798 та турли хилдаги минани топиб, хавфсиз ҳолга келтирди. Бир қатор кечув тайёрлади. Душман билан аёвсиз олишиб, олтита яроқсиз кўприкни тиклашга эришди. Бу ларнинг бари етмагандек, душманнинг ўқ очиш нуқталарига ташланиб, тўртта нуқтани яксон қилди. Ватан учун курашишдан муҳимроқ иш йўқлигини яхши билганидан, тенгсиз жасоратга чоғланиб, бутун жангу жадал давомида ўнлаб марта ўз ҳаётини хавф остида қолдирди. Шимолий Кавказ учун курашда бир ғал оскорлик бўлинга тегиб, дала госпиталида ётишга мажбур бўлди. Сапун-горани ишғол қилаётган дамларда оёқларидан қаттиқ жароҳатланиб, жиддийроқ даволанишга тўғри келди.

Минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилнинг январи эди. Уруш ҳали тугамаганди. У поездда Москвадан Тошкентга йўл олган, унинг учун энди майдонлар ҳам, қизғин кураш кунлари ҳам орқада қолганди.

Ўзи туғилиб ўсган диёрни соғинган, роппа-роса етти йил узоқларда юрганидан, она-диёр бағрига тезроқ киришга шахд этганди. Шу аснода биров билан уруш тўғрисида гаплашгиси келмас эди. Умуман, у болаликдан кўп гапни хуш кўрмас, ишга нисбатан гапга чечан одамларни ёқтирмасди. Бундан бўлак, уруш манзараларини хотирасида бир умрга сақлагиси ҳам йўқ эди. Ўтли кунлардан фақат бир аламли, бир қувончли воқеа хотирасида жойлашган, шу воқеалар иштасин-истамасин, ҳаёлида айлангани айланган эди. У бир марта Кубанда жуда танг аҳволга тушганини эсларди. Аскар йигит қуролдош дўстлари билан ўшанда кечув жойи тайёрлаш мақсадида разведкага чиққан, қайиқда душманга сездирмай Кубань дарёсидан сузиб ўтишга қарор қилганди. Кутилмаган фалокат рўй берди — душман артиллерияси ноғаҳон уларга ўт очди. Улар ўқ ёмғири остида тирик қоладиганга ўхшамасди. Бунинг устига, олдинга босиш имконсиз бўлганидек, зиммадаги вазифани бажармай туриб, орқага қайтиш ҳам ўлимдан қийин эди. Ҳеч қачон, хаттоки бир ғал қуршовда қолиб танклар тақдири ўзига боғлиқ бўлганида ҳам, тошкентлик баҳодир бунчалик тангликни ҳис этмаганди. «Сержант Абдуллаев энг муҳими, ўзни йўқотмаслик керак!» — пичирлади у ҳаёлан. — Сен дадил бўлишинг, иложини топишинг шарт!» У илк назбатда қайиқни ботқоқлик, қамишзор томон ҳайдашни маъқул кўрди. Улар ўқлар ёмғиридан бир оз қутилгандек бўлишди. Бироқ, зиммадаги вазифани бажариш мақсадида, ўз ҳарбий қисмларидан узилиб, уч кеча-кундуз сувда, аросатда қолиб кетишди. Туз йўқ, нон йўқ, чекишга ўт бору махорканинг ўзи йўқ эди. Ниҳоят, улар душман қайиқларини пойлашди ва дарёга тушган шундай қайиқлардан бирини қўлга киритишиб, асирга олинган «тил»ни қисмга бошлаб келишди. «Тил» орқали вазиятни аниқлашга, кечув жойини тайёрлашга муяссар бўлишди... Иккинчи, қувончли воқеа бундан анча кейин рўй берганди. Сержант Абдуллаев госпиталдан Москвага жўнаб, умрида биринчи марта Кремлга қадам қўйди. У жангу жадалларда орденлар, медаллар билан мукофотланган эди. Аммо госпиталда ётган кунлар «Правда» газетаси унинг жасоратлари ҳақида баҳолангани, Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган унвонга сазовор бўлганлиги ҳақида хабар қилди.

У Тошкентга қайтгач, бир неча кун ҳовлида юриб, яна болалик кунларини, мактабни, расм муаллими Ашра Тошкенбоевни эслади. Ўша муаллим расмга қизиқишини қўллаб, ҳатто уни шахсан ўзи Урол Тансиқбоев, Александр Волков сингари рассомлар билан таништиргани хотирасида жонланди. Мактабни тугатгач, билим юртида ўқигани-ю, рассомликни эгаллаб, маълум муддат пионерлар саройида тўгарак раҳбари бўлгани — бирмабир ҳаёлидан ўтди.

Унинг вужудида ўтли майдонлар нишонаси — ўқ парчалари ётарди. Аммо ҳаёт ундан, урушда кўприклар тиклаб, қирғоқларни улаганидек, бўлинган турмушни қайтадан пайванд қилишини кутар, уни шунга даъват этарди. Аскар йигит яна янги курашларга чоғланмаса бўлмайдиганга ўхшарди.

У тўғри Узбекистон Рассомлар союзига келди ва кўп ўтмай, Фарҳод қурилиши қаҳрамонларини қаламга олиш ниятида йўлга отланди. Қурувчилар тикланган капаларда яшади, улар меҳнатини тараннум этишга урина бошлади. Анча йиллар расмга қўл урмаганидан, қўли титраг, бу ҳолат уни худди вужудидаги ўқ парчалари каби қийнарди. Шундай пайтларда, у фронтдаги аламли воқеани беихтиёр эслар, янгидан қаҳрамонлик кўрсатиши кераклигини ҳис этарди. «Сержант Абдуллаев! Энг муҳими, ўзни йўқотмаслик керак! — пичирларди ҳаёлан. — Сен дадил бўлишинг, иложини топишинг шарт!»

У янгидан қаҳрамонлик кўрсата олди. Ленинградда, кейин Тошкентда таълим олиб, билимини мустаҳкамлади. Аста-секин унинг рассомлик шуҳрати жангчилик шуҳрати билан ёнма-ён халқ орасида кенг таралди. У яратган уруш ва меҳнат қаҳрамонларининг портретлари, манзаралар, ҳолатлар санъатнинг нодир мулкига айланди...

Узбекистон ССР халқ рассоми, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Сами Абдуллаев ана шундай инсон. Биз муборак олтмиш ёшга тўлган санъаткорга узоқ умр, янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

Омон МУХТОРОВ.

САМИ АБДУЛЛАЕВ 60 ЁШДА

Рассом Сами Абдуллаевнинг портрет, полотно, пейзаж ва натюрмортлари ўзбек Совет тасвирий санъати хазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда. Суратда: (юқоридан пастга таниқли мўйқалам соҳибининг «Мирзачўл ҳақида декрет», «Дўстлик» асарларини кўриб турибсиз.

Ю. Богданов

фоторепродукцияси.

Ахборот

ҚАҲРАМОНГА БЮСТ ЎРНАТИЛДИ

Чўли Бегимқулов номли совхоз маркази байрам тусини олди. У ерда Қашқадарёда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшган Чўли Бегимқуловга бюст ўрнатилди. Шу муносабат билан «Пахтазор» посёлкасида тантанали митинг бўлди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони шарафига ўрнатилган бюст совхоз кўркига кўрк қўшди.

Х. ҚУҚОНОВ.

ОЛИМ ХОТИРАСИГА

Қўшкўпир районидаги Ал-Хоразмий номли ўрта мактабда катта шодиёна бўлиб ўтди. Ҳайробод қишлоғи ҳуснига ҳусн қўшиб турган икки қаватли, замонавий типда қурилган бу мактаб ҳовлисида буюк аллома — Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ҳайкалининг очилишига бағишланган митинг бўлди. Митингга қишлоқ аҳли билан бир қаторда шу мактабнинг 920 ўқувчиси ҳам иштирок этди. Ал-Хоразмий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Буюк алломага бағишланган куй ва қўшиқлар узоқ янгради.

Қ. РЎЗИМАТОВ.

КИНОЧИЛАР ТАШАББУСИ

Ғўрақўрғон райони кинолаштириш идораси ходимлари ажойиб ташаббус бошлаб бердилар. Улар район марказидаги «Ғалаба» ҳиёбонида «Очиқ экран» ташкил этдилар. Бу экранда ҳафтанинг чоршанба, шанба, якшанба кунлари кечки кино сеанс кўрсатувларидан олдин 30 минут давомида ҳужжатли ва илмий-оммабоп кинофильмлар кўрсатилади.

Томошабинлар ҳозиргача бу «Очиқ экран»да «КПСС XXV съезди», «Рулда», «Ҳосил йиғим-терими», «Алишер Навоий» каби ранго-ранг қисқа метражли фильмларни ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган қатор оммабоп фильмларни мароқ билан томоша қилдилар.

С. САЙДАҲМЕДОВ.

30 ТИЙИНГА «МОСКВИЧ»

Уйчи районидаги Охунбобоев номли совхознинг 1-бўлимига қарашли Қ. Еқуббоев етакчилик қилаётган бригада механизатори Х. Ҳамидовнинг 012 облигацияли 07423 серияли Узбекистон пул буюм-лотереяси билетига «Москвич-412» маркали автомашина ютди.

М. ҚОДИРОВ.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ЮКСАЛИШ ЙЎЛЛАРИДА

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг қирқ йиллиги нишонланди. Юбилей тантанасида Москва, Ленинград, шунингдек, Иттифоқдош республикалар консерваториялари раҳбарлари, таниқли санъаткорлар ҳам иштирок этдилар. Мухбиримиз меҳмонларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Профессор Б. И. КУЛИКОВ, П. И. Чайковский номидаги Москва Давлат консерваториясининг ректори, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

— Тошкент Давлат консерваториясининг қирқ йиллик юбилейи кўп миллатли совет музика маданиятида муҳим воқеадир. Биз тошкентлик ҳамкасбларимизни ана шу улкан байрам билан табриклагани келганимиздан хурсандмиз. Юбилей бизнинг ҳам байрам. Негаки, Москва ва Тошкент консерваториялари азалдан бир-бири билан мунтазам алоқа қилиб келади. Бундай бор-ди-келдимизнинг ўз тарихи бор. У Тошкент консерваторияси ташкил этилган кунлардан бошланади. Ўрта Осиёда биринчи бўлиб очилган бу музика дорилфунунининг шаклланишида Москва консерваторияси профессор ва ўқитувчиларининг муносиб улуши бор. Санъаткор ва педагогларимизнинг кўплари бир умрга Тошкент консерваториясига боғланганлар. Аксарият профессор ва ўқитувчиларимиз эса бу ерга тез-тез ижодий командировкага келиб, музиканинг турли жанрларига оид лекциялар ўқиганлар.

Москва консерваториясида малака ошириб келган педагог ва санъаткорлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бундай ижодий алоқа ва ҳамкорлик биз учун ҳам катта аҳамият касб этиб келмоқда. Талантли ижоди ва катта билими биран эътибор қозонган тошкентлик музика мутасаддиларининг тажрибасидан москвалик ёшлар ҳам бахраманд бўлмоқда.

Тошкент консерваторияси бугунги кунда мамлакатимизнинг энг йирик музика даргоҳларидан ҳисобланади. Унинг кўп миллатли совет музика маданияти равнақи учун қилаётган ишлари эътиборга молик. Бу ерда таҳсил кўриб, ижод масканларига учирма қилинган собиқ талабаларнинг бир нечтаси эндиликда СССР халқ артисти унвонига сазовор бўлган. Машҳур опера ва балет театрларида муваффақиятли ижод қилаётган санъаткорлар орасида Тошкент консерваториясини тамомлаганлар кўплаб топилади. Шуниси характерлики, Тошкент консерваториясининг собиқ студентларидан бир гуруҳи иқтидорли санъатшунос олимлар бўлиб етишди. Уларнинг музика тарихи ва назариясига оид китоблари, рисолалари, илмий-тадқиқотлари музикашунослик фанига ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Юбилей биз учун яна шунинг учун ҳам қадрлики, тантана дамларида Москва ва Тошкент консерваториялари ўртасида ўзаро ижодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Бу интернационал дўстлик ва қардошликнинг ажойиб рамзидир. Шубҳасиз, шартнома иккала консерватория учун ҳам баб-баравар аҳамиятли бўлади. Имкониятдан фойдаланиб, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг профессор ва ўқитувчиларига, кўп соғлик талабаларига ижодий зафарлар тилайман.

Профессор Б. Б. ЖИЛИСБАЕВ, Қурмонғози номидаги Олмаота Давлат консерваторияси вокал кафедрасининг мудири.

— Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон музика маданияти равнақи ҳақида гапириладиган бўлса, биринчи навбатда Тошкент консерваториясини тилга олиш керак. Ҳа, Ўрта Осиёда қалдирғоч олий музика мактаби бўлган Тошкент Давлат консерваторияси бешала Иттифоқдош республика учун малакали музика кадрлари тайёрлаб бериб, миллий маданиятларнинг бу соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Буни бизнинг республикамиз мисолида ҳам равшан кўрса бўлади. Олмаота консерваторияси 1945 йилда иш бошлаган. Консерваториянинг илк муаллимлари орасида Тошкент музика дорилфунунини битирганлар жуда кўпчиликни ташкил қилар эди. Тошкентлик педагог ва санъаткорларнинг айримлари Олмаотада ишлаб, консерваториямизнинг дадил йўлга тушиб кетиши учун ҳисса қўшиб қайтганлар. Олмаотадан малака оширишга юборилган илк муаллимлар отряди Тошкент консерваториясида билим оширган. Қисқаси, Олмаота консерваториясининг тез - муддатда шаклланиб, вояга етишида Москва ва Ленинград консерваториялари қаторида Тошкент музика дорилфунунининг ҳам катта хизмати бор. Биз буни ҳамма вақт ёдда тутамиз ва қадрлаймиз.

Тошкент Давлат консерваториясининг қирқ йиллиги Улуғ Октябрь социалистик революциясининг кутлуғ 60 йиллиги арафасида ўтаётганлиги билан характерлидир. Ўтган қирқ йил Тошкент консерваториясининг ҳар томонлама ўсиш ва юксалиш даври бўлганлигини кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Музика дорилфунуни ўзининг муборак юбилейига ажойиб ютуқлар билан келди. Бу зафарларни конкрет мисолларда кўрсатиш мумкин. Энг муҳими, Тошкент консерваториясининг юксалишнинг ойдин йўлида давом этаётган кезларида қутлуғ шодиёналарни бошидан кечирмоқда. Шубҳасиз, бундай мавкеда туриб истиқболни кўзлаш бахтли бўлади. Қардошларимизга ана шундай иқбол ёр бўлсин!

СПОРТ

«Правда» газетаси соврини учун енгил атлетика бўйича халқаро мусобақалар

ВАКИЛЛАРИМИЗ ҲИССАСИ

СОЧИ. («Совет Узбекистони» махсус мухбиридан телефон орқали). Марказий стадионда икки кун давом этган қизғин баҳслар ниҳоясига етди. Голиблар аниқланиб, медаллар эгаларига тантанали равишда топшириларди. Газета соврини учун ўтказилган галдаги мусобақалар спортнинг енгил атлетика тури бўйича олимпиада резервларининг ўзига хос кўриги бўлди. Совет ва чет эллик спортчилар орасидан олимпиада номзодлигига арзигулик натижа-кизларнинг номларини қайд этиб қўйилди.

«Правда» газетаси соврини учун мусобақаларда иштирок этган ўзбекистонлик спортчилар гарчанд фахрий супанинг юқори поғоналарига кўтарилмаган бўлсалар-да, умуман дурруст натижаларни қўлга киритдилар. Совриндорлик учун республикамизнинг ўндан зиёд ўғил-қизи куч синашди. Жумладан, тошкентлик Светлана Шаталина 400 метрга тўсиқлар оша югуришда маррага иккинчи бўлиб келди. У бир минутдан мўлроқ вақт сарфлаб, кўксига кумуш медаль тақди. Тошкентлик Ольга Забарская эса, баландга сакраш бўйича 1 метру 75 сантиметрли маррани забт этиб, саккизинчи бўлди. Чирчиқлик Геннадий Иванов узоқ танаффуслан кейин яна югуриш майдонига чиқди. У 400 метрли масофага 30 нафарли спортчилар қатори югуриб, маррага саккизинчи бўлиб келди. Шунингдек тошкентлик Анатолий Селефанов ҳам 10 километрлик пойгада илк марта куч синашди. У, 29 минут-у 09,4 секунд вақт сарфлаб, 32 кишилик югурувчи орасида маррага ўн биринчи бўлиб келди. Совет спортчилари орасида эса, тўқ қизинчи бўлди.

Яна бир вакилимиз Александр Хорлов тезкор югуришлардан ҳисобланган мусобақада иштирок этди. У, 110 метрга тўсиқлар оша югуришда 14,1 секунд натижа кўрсатиб, еттинчи ўринни эгаллади. Узоққа сакраш бўйича куч синашган Ринат Мушаррапов билан баландга сакраган Елена Савельеваларнинг чиқишлари муваффақиятсиз бўлди. Республикада хизмат кўрсатган тренер, андижонлик моҳир енгил атлетикачиларнинг устози Радик Сайфуллиннинг шогирдлари бу сафар ҳам пахтакор ўлка спорт шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Чуночи, таниқли спортчиларимиз Светлана Ўлмасова билан Замира Ахтямовалар 1500 метрлик масофада куч синашдилар. Светлана бу сафар маррагача 4 минуту 13 секунд вақт сарфлаб, учинчи бўлиб келди ва совриндорлик курашининг бронза медалини қўлга киритди. Унинг дугонаси Замира эса, 25 кишилик спортчилар орасида саккизинчи ўринни эгаллади.

Совриндорлик кураши тугади. Республикамизнинг бир қанча вакиллари бир ҳафтадан кейин ака-ука Знаменскийлар ҳотираси учун Москвада ўтказиладиган халқаро мусобақада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Т. УНАБОЕВ.

БЕШИНЧИ КИНОФЕСТИВАЛЬ

Андижон шаҳрида республикамизнинг навбатдаги бешинчи ҳужжатли ва телевизион фильмлари фестивали бошланди. Шу муносабат билан мухбиримизга Узбекистон ССР Кинематографчилар союзининг ранси, СССР халқ артисти, кинорежиссёр Малик Қаюмов қуйидагиларни айтди:

— Узбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан бундан бир неча йил муқаддам қабул қилинган қарорга асосан ўтказилаётган республикамиз қисқа метражли ва телевизион фильмлари фестивали ажойиб анъана тусини олди. Ўлкамизнинг турли областларида ва Қорақалпоғистон АССРда навбат билан ҳар икки йилда ўтказилаётган бу кинофестивалнинг бош мақсади шуки, ўзбек ҳужжатли ва телевизион кино санъатининг ютуқларини халқ ўртасида кенг пропаганда қилиш янада яхши йўлга қўйилади. Шу билан бирга кинематографчиларимиз меҳнаткашлар билан бевосита учрашиб, кино санъати ҳақида суҳбатлар, баҳслар ўтказаётирлар. Халқнинг ўз ижодларига, яратган фильмларига оид фикр-мулоҳазалари, уларнинг орзу-истаклари билан яқиндан танишаётирларки, бу кино санъатимиз тараққиёти учун жуда фойдалидир.

Республика кинофестивали бундан олдин Фарғона водийси областларида уч марта ўтказилган эди. Тўртинчиси — икки йил муқаддам — Қорақалпоғистон АССРда бўлиб ўтди. Ҳар галги кинофестивалларимизда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР киносанъаткорлари ҳам қатнашмоқдалар. Андижон кинофестивалига ҳам қардош ҳамкасбларимиз меҳмон бўлиб келишиб, фестивалдан ташқари ўзларининг яратган янги фильмларни кўрсатмоқдалар.

Бешинчи кинофестиваль мобайнида ўттиздан ортиқ ҳужжатли, илмий-оммабоп, мультипликацион фильмлар, шунингдек, «Наштар» сериясида яратилган янги киноленталар намойиш этилади. Андижон область меҳнаткашлари, худди шу кунларда давримизнинг атоқли коммунисти, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Совет Узбекистонига қилган тарихий сафарларига бағишланган икки қисмдан иборат «Партиянинг сўзи ва иши», кинорежиссёр Т. Иброҳимовнинг «Съездан-съездгача» ҳужжатли фильмлари билан танишадилар. Фестиваль экранларида, бу лардан ташқари ,рус ёзувчиси Н. Никитиннинг «Бу Қўқонда бўлган эди» романи асосида кинорежиссёр, Узбекистон ССР Ленин комсомоли мукофоти лауреати Учқун Назаров яратган уч серияли телевизион фильм ва бошқа бир қатор кино асарлари ҳам намойиш этилади.

Республикамиз қисқа метражли ва телевизион фильмларининг бешинчи фестивалини ҳар жиҳатдан кўнгилдагидек ўтказиш учун Узбекистон ССР Министрлар Совети Кинематография Давлат комитети ранси А. Абдуллаев бошчилигида тузилган фестиваль ташкилий комитети ҳамда Андижон область партия ва совет ташкилотлари, маданий-оқартув муассасалари катта тайёргарлик ишларини олиб бордилар. Кинорежиссёр, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Анатолий Қобулов раислигида фестиваль жюриси ташкил этилди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган республикамиз ҳужжатли ва телевизион фильмлари бешинчи фестивали маданий ҳаётимизнинг муҳим воқеаларидан бири бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 2/VI да **Риголетто**, 3/VI да **Корсар**, 4/VI да **Флорил Тоска**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/VI **Уйланиш**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/VI да **Олифта**, 3/VI да **Гулбаҳор қани?** 4/VI да **Ўжарлар**.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Ширин аёл** (катта зал). **Зита ва Гита** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Ширин аёл — «ЧАЙКА», «ВОСТОК» «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Мардлик учун юз грамм — «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Алвидо, полиция! — «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Иккинчи ҳақиқат — «НУКУС» (тоқ соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Бизнинг бурчимиз — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.40 22.10).

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: назарий химия (профессор ёки доцент);

кафедра доцентлари: механизмлар, машиналар ва тўқимачилик машиналарини лойиҳалаш назарияси, луб толаларини дастлабки ишлаш, толали материалларнинг механик технологияси, трикотаж ишлаб чиқариш технологияси (0,5);

кафедра катта ўқитувчилари: механизмлар, машиналар ва тўқимачилик машиналарини лойиҳалаш назарияси;

кафедра ассистентлари: чет тиллари (инглиз), пахта ва химиявий толаларни йигириш, жисмоний тарбия ва спорт, тикув буюмлари технологияси (расм ва композиция).

МАРҒИЛОН УМУМИЙ ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА

кафедра катта ўқитувчиси: физика.

КОНКУРС МУДДАТИ — 24 ИЮНГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри. ГСП, Горбунов кўчаси, 5-уй.

ЎРТА ОСИЁ РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: металлургия бўлими, гидрометаллургия лабораторияси, чанг-газ ушлаш лабораторияси (фан доктори, кандидати);

катта илмий ходимлар: вольфрам-молибден маъданларини бойитиш; маъдан геологияси, маъдан вентиляцияси, фойдали қазилмаларни ер остида ишлаш йўли билан конларни ишлаш, оқар сувларни тозалаш, техникавий-иқтисодий тадқиқот ва таҳлил, чанг-газ ушлаш (фан кандидатлари, юқори малакали мутахассислар).

КОНКУРС МУДДАТИ — 14 ИЮНГАЧА.

Ҳужжатлар конкурслар ҳақидаги қоидага мувофиқ директор номига қуйидаги адресга юборилсин: 700100, Тошкент шаҳри-100, Шота Руставели кўчаси, 45-уй.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
4 июнь соат 16.00 дан 20.00 гача «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ ЎТКАЗАДИ

Институт адреси: Тошкент шаҳри-63, Олмазор кўчаси, 183-уй.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги коллегияси Сурхондарё область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Х. Бердиева отаси

Эшбой БЕРДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Х. Бердиева отаси

Имомназар БУТАХОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Кўрлар жамияти марказий правлениеси Ленинск ишлаб чиқариш корхонаси директори Т. Имомназаровга отаси

Имомназар БУТАХОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон ССР китобхонлар кўнгилли жамияти правлениеси жамият президиумининг аъзоси З. И. Йўлдошева отаси

Йўлдош ЭШМУРОДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Кувноқ шеърлар. 11.15 — Бизнинг биография. 1947 йил. 15.45 — Ҳужжатли фильмлар. 16.40 — Биз табиат билан таништамиз. 17.00 — Шахмат мактаби. 17.30 — Рус тили. 18.15 — Кувноқ стартлар. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — Ўйнаб қўшиқ айтамиз. 19.30 — Партия маорифи системасида ўқув йилининг якунларига доир. 20.00 — Т. Шебанова чалади .20.30 — «Марказий разведка бошқармаси — яширин уруш давом этмоқда». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи А. Дружинин олиб боради. 21.30 — **«Вақт».** 22.00 — Концерт 00.30 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — **Коля Брюньон** (бадиий фильм). 12.10 — **«Светофор».** 12.35 — Андижон сув омбори қурилишида. 13.00 — **Узимиздан бири** (бадиий фильм). 18.30 — **«Ёшлик»** 19.00 — «Инсон меҳнати билан ғўзал». Телеочерк. 19.15 — **Ахборот.** 19.30 — «Ижод гулшани». 20.30 — **Ахборот.** 20.50 — М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг 40 йиллигига бағишланган концерт. 21.30 — **«Вақт»** (Москва). 22.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг 40 йиллигига бағишланган концертнинг давоми.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.25 — Ким бўласан экан? 19.55 — Реклама. 20.10 — **Янгиликлар.** 20.30 — **Вера ва Фёдор** (бадиий фильм). 21.00 — Математика.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Н. Убайдуллаева ва М. Исомиддинов куйлайди. 9.30 — Э. Азимов раҳбарлигидаги камер оркестр концерти. 11.15 — Халқ номзодлари. 12.10 — «Узбекистон ишчиси». 13.00 — Мусобақадошлар минбари. 13.30 — Оперетталардан парчалар. 14.00 — Механизатор ва сувчи — ҳосил яратувчи. 15.10 — Олис масофаларда ва мураккаб шароитларда хизмат қилаётган гидрометеостанциялар ходимлари учун эшитириш. 16.10 — Қалб қўшиқлари. 19.00 — Иқтисодий ўқувга алоҳида эътибор берайлик. 19.20 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.25 — Татар куйлари. 21.00 — Узбек классик қўшиқлари. 23.00 — Футбол. «Таврия» — «Пахтакор».

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 ★ ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142

Р. — 03406. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 126.